

Савол. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорининг мазмуни нимадан иборат?

Жавоб. Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси ратификация қилинди. ХМТ конвенцияларини Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилиш бўйича **миллий ҳаракатлар режаси** қабул қилинди. ХМТ экспертлари Ўзбекистонда ушбу масалаларда мониторинг ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори (04.10.2017: “ЎзР қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”) билан **парламент назорати институти** жорий этилди. Болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш ва мажбурий меҳнатни олдини олиш масалаларида Ўзбекистонда етарли қонунчилик нормалари яратилди. Бу халқаро тоашкилотлар (ХМТ, Жаҳон банки, Европарламент ва бошқалар) томонидан юқори баҳоланди. Лекин жойларда айрим мансабдор шахслар томонидан белгиланган қонунчилик нормаларини бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Мажбурий меҳнатга жалб этилган шахсларнинг жароҳат олганлиги, баъзи ҳолларда ҳатто ҳалок бўлганлиги ҳам кузатилмоқда. Айрим мансабдор шахсларнинг ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилиши қонун нормаларига зид бўлибгина қолмасдан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузига ҳам жиддий зарар етказмоқда, мамлакатда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва мамлакат равнақи йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни обрўсизлантirmoқда. Бундан буён бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорни қабул қилди. Қарорга кўра,

1) **Фуқароларни, жумладан ўқувчилар ва талабаларни мажбурий меҳнатга** (ободонлаштириш ишларига, кўкаламзорлаштириш ишларига, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига, металл чиқиндиларни йиғишга, макулатура йиғишга, бошқа мавсумий ишларга) **жалб қилиш тақиқланади.** Мажбурий меҳнатга бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилади.

2) **Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар** ҳашарларни қуйидаги шартларга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этадилар (**ҳашарларни ташкил этиш шартлари**):

ҳашарлар **ихтиёрий** тарзда ташкил этилади;

умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг тегишли ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлиши лозим;

ҳашарлар **фақат ходимлар ўзлари меҳнат қилаётган корхоналарда** ўтказилади, бунда **барча хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси чоралари таъминланган бўлиши шарт**;

ҳашарлар **тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш мақсадларида** амалга оширилади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳашарлар **фақат тегишли маҳалла ҳудудида аҳолининг ихтиёрий иштироки асосида** ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий

мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш ва шу каби мақсадларда ташкил этилади;

қуйидаги жойларда **ҳатто фуқароларнинг ихтиёрий розилиги асосида ҳам** хашарларни ташкил этиш мумкин эмас:

автомобиль йўлларида;

ҳаракатланиш тигиз бўлган кўчаларда;

сув объектларида;

қиргоқбўйи ҳудудларида;

қурилиш майдонларида;

бино ва иншоотлар томларида;

хавфли ишлаб чиқариш объектларида;

инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тугилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда.

3) **Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги:**

мажбурий меҳнатнинг олдини олиш масалаларида **назоратни кучайтириши;**

ушбу масалаларда **мониторинг** ишларини олиб бориши;

мониторинг натижалари бўйича **оммавий эшитувлар ва муҳокамалар** ташкил этиши лозим.

4) **Бош прокуратура** назоратни кучайтириши лозим. Аниқланган ҳолатлар бўйича **айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўриши** лозим.

5) **Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига:**

ташкilotлардаги **касаба уюшмалари бошланғич бўғинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш;**

мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда прокуратура органларига ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига зудлик билан хабар қилиш;

жамоатчилик назоратини фаоллаштириш тавсия этилди.

б) **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** ҳамда **ҳокимликлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб қилиш** бўйича амалий чора-тадбирларни кўришлари лозим. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 799-сонли қарори (05.10.2017: “Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”) талабларига мувофиқ иш тугилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш ана шу қарор асосида ташкил этилган Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири саналади.

